



Келди муборак бизга янги бир замон,
Янги давр кечурмак энди филамон,
Ёд этмакка исмимиз тарихи жахон,
Кутлуг бўлсун Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашиб Ислом миллати!

ХАМЗА

Румий хикоятларидан бирида эр ярим ман гўшт келтириб, хотинига овкат тайёрлашни буюради-да, ўзи меҳмон айтгани кўчага чикиб кетади. Хотин лаҳм гўштни ковуриб, паккос уриб олади. Эри кайтгач: «Гўштни мушугингиз кургур еб кўйди», дейди. Содда эр мушукни тарозига солиб: «Ие, мушук еган гўшти билан атиги ярим ман-ку! Хўш, палладаги ярим ман мушук бўлса, гўшт кани? Агарда тарозини босган ярим ман гўшт бўлса, унда мушук каёкка гойиб бўлди?», деган экан.

Шўровий шоиримиз Хамзанинг юкорида парча келтирилган «Туркистон мухториятина» шеърини ўкиб, шу каби танокиз андишага борасан киши.

Зотан, сўнгги, 70 йилдан ортиқроқ тарихимизда Хамза ва мухторият орасида гойиб бўлган Хакикатни кидирган одам, Шаркнинг яна бир буюк мутафаккири Кунфутзининг таъбирича, коронгу хонада кора — бунинг устига хонада йўк — мушукни тутмокчи бўлган кишидек мушкул холда қолади.

Тарихчиларимизнинг захматли харакатларини кўриб, ачинмасдан бўлмайди. Улар тубандаги каби «мўътабар тахкикларни» жилдма-жилд саклашга озмунча куч-қувват сарфлашдими! Мана, бир мисол:

«1917 йил ноябрининг сўнгида ўзбек, козок, киргиз ва тожик буржуа миллатчилари Кўкон шаҳрида «умум-ислом» ўлка курултойини чакирдилар. Унда, асосан, савдогар, заводчик, помешчик, бой, рухонийлар, ок гвардиячи офицерлар иштирок этишди. Буржуа

миллатчилари Туркистонни мухторият эълон қилиб, «Кўкон мухторияти» деб танилган миллатчи Муваккат ҳукуматни туздилар...» («История СССР». «Наука», М., 1967, т. 7, стр. 227).

Бу «ҳақиқат» қайд этилган китоблар саҳифаларини жамласак, калин жилдли алоҳида бир асар бўлиши мумкин. Ваҳоланки, бу «ҳақиқат»нинг турган-битгани мантикка зид. Авваламбор, ўзбек, козок, киргиз, тожик халқларининг ҳамда рус зобитларининг вакиллари муштарак маслак йўлида бир жойга йигилишса-ю, улар миллатчига чиқарилсалар, «интернационал» сўзининг туб моҳияти қаерда қолади? Иккинчидан, уларни буржуа (яъни, шаҳар) миллатчилари деб аташ, 1917 йил нари турсин, 1990 йилда ҳам ўлканинг аксарияти қишлоқ-овуллазда яшайётган бир маконда, бир пайтда нимани англатади? Учинчидан, «асосан» сўзининг мағзи — маъноси нимада? Нима учун бу ўринда у салбий маънода — «оми халқ бир ёқда қолиб», деган мазмунда қўлланилган? Тўртинчидан, қандай қилиб «Туркистон мухторияти» деб эълон этилган ҳокимият бора-бора бир шаҳар микёсига қадар қичрайиб, «Кўкон мухторияти»га айланиб қолди? Бешинчидан, маълумки, «миллатчи Муваккат ҳукуматнинг 54 аъзосидан 32 нафари маҳаллий мусулмон халқларига мансуб бўлиб, қолган ўринлар ўлкадаги Оврупа фирка ва ҳаракатларига берилган. Холбуки, ўша пайтда умумий аҳолига нисбатан, маҳаллий халқлар нуфузи 95 фоизни ташкил этган. Бундан ортиқ байналмилал илтифотни қаерда қўргансиз?!

Хуллас, бу кўчманчи «мўътабар «ёзуқ»нинг мантики ва тарихи хусусида қўп ёзиш мумкин. Биз эса яхшиши, ўзимизни қийнаб, тарихчиларимиз сингари захматлар чекмайлик-да, энг осони—1917 йил рўзномаларини назардан кечирайлик. Янада холис бўлиш учун, масалага, асосан, ўша даврнинг «миллий руҳи — ҳарорати элитмаган» рус рўзномалари нигоҳи билан боқайлик.

Февраль инқилоби ўлка тарихида янги бир саҳифа очдики, унинг илк шиорлари Озодлик, Тенглик, Биродарлик эди. Зеро, Чўлпон Феврални Буюк француз инқилобига қиёслаб тараннум этгани бежиз эмас. Муваккат ҳукумат дастуриламалидаги қуйидаги икки банд бу борада муҳим аҳамият касб этган: 1). Табақа — тоифавий, диний ва миллий маҳдудликни бекор қилиш; 2) Маҳаллий идораларни сайлашда умумий, бевосита, тенг ва маҳфий овоз бериш ҳуқуқини таъсислаш. («Туркестанские ведомости», 21 март 1917 йил). Бундан ташқари, муваккат ҳукумат маҳаллий халқ вакиллари мардикор сифатида фронторти ишларига олишни ҳам бекор қилиб, 1916 йил кўзғолонларининг асосий омилларидан бирини йўқотишга эришди.

Лўнда қилиб айтганда, Февраль инқилоби уйқу босган ўлкани уйготди. Чоризмнинг мустамлақаси бўлган Туркистонга озодлик ва ҳуррият шамоли етиб келди. Авваллари мусулмонлар ҳаётини деярли ёритмаган рўзномалар энди маҳаллий халқнинг сиёсий онги мислсиз суръатлар билан ўсишини эътироф этиб, қарийб ҳар бир сониде янги ташкилот, ҳаракат ёки жамият тузилаётгани ҳақида хабар беришар эди. Айниқса, маҳаллий идоралар бўлмиш шаҳар ва ерли Думаларга сайловлар арафасида бундай хабарлар сон-саноксиз бўлди: «30 март қуни Скобелев шаҳри фуқаросининг Жомеъ масжид олдидаги йигилиши «Шўрои ислом» кўмитасининг сайланиши ҳақида қарор қабул қилди. Кўмитанинг дастлабки вазифаси — Муваккат ҳукуматни, Русияда янги озод тузум

жорий этишида, кўллаб-кувватлашдир» («Туркестанский голос», 18 апрель 1917 йил). «Махаллий йўксиллар синфи Хўканд шахри «Ислом меҳнаткашлари» жамиятига бирлашмоқда». («Туркестанский курьер», 21 июль 1917 йил). «Наманган вилоятининг Чуст шахрида ёш сортлар ташаббуси билан «Жумхурият» матлуб жамияти очилди». («Ферганские областные ведомости», 1917 йит, 10 май) ва хоказо.

Бундай ҳаракат, фирка ва жамиятларнинг пайдо бўлиш жараёнига апрелнинг ўрталарида Тошкентда бўлиб ўтган I Умумислом ўлка курултойида мантиқан муайян яқун ясалди. Юртимизда Февраль инқилоби туфайли юзага келган махаллий мусулмон умумдемократик ҳаракати шаклланган бир сиёсий куч сифатида гавдаланди. Мана, курултой ҳақидаги хабардан бир парча:

«Умум Туркистон мусулмонларининг курултойига 150 нафар киши йигилди. Съездни 13 кишилик президиум идора қилди. Президиумга ушбу зотлар сайландилар: Мунавварқори (раис), Убайдулла Хўжаев, Собирали Лапин (иккисида раис муовинлари), Мустафо Чўкаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков (русий секретарлар), Аҳмад Заки Валидий, Содик Сатторов (мусулмонча секретарлар), Шоаҳмадов, Абдурахмон Уразаев, Мулла Абдулмажид Маҳмудов, Серикбой Акаев, Аҳмадбек Кўйбоқаров, Собиржон Юнусов...

... Съездда ушбу масалалар қаралди.

- 1), Янги жамиятга назар.
- 2) Русияда усули идора ненди бўлур.
- 3) Туркистонда махаллий гражданский идоралар.
- 4) Учредительный Собрание ва анга хозирлик.
- 5) Туркистонда рухоний — диний идоралар.
- 6) Мактаб, мадраса ва вакуф ишлари.
- 7) Молия ишлари.
- 8) Эскидан қолган муассасаларни янгартув.
- 9) Бутун Туркистон мусулмонларининг устидан қарайтургон бирорта адлия исломия ва мулкия маҳкамаси таъсис этув.
- 10) Озик масалалари.
- 11) Сўғишқа қараш.
- 12) Сўғишга олинган мардикорлар масаласи.
- 13) Бутун тузув.
- 14) Шўрои исломларнинг Исполнительный комитетларга муносабати.
- 15) Умуммусулмон съездина вакиллар юборув.
- 16) Ер ҳам сув ишлари». («Улуг Туркистон», 1917 йил 25 апрель).

Табиийки, мазкур курултой мужассамлаштирган умумий ҳаракатнинг таркибида синфи, маслаги жиҳатидан хилма-хил оқимлар бор эди. Аммо юрт озодлиги ва халқчиллик истикболи томон йўналтирувчи ҳоким гоё ушбу курултой ва, айниқса, махаллий идораларга сайлов қўнлари яққол намоён бўлди:

«Рус аҳолиси сайловга лоқайд муносабатда бўлган бир пайтда, сортлар, аксинча, уюшиб, ўз ҳуқуқларини сайлов бўлмаларида истифода этишмакчи», («Свободный Самарканд», 30 июль, 1917 йил). «Сортлар минглаб тўпланган йигин ва сайловолди мажлисларида

ўнлаб нотиклар сўзга чикаётурлар» («Свободный Самарканд», 2 август, 1917 йил).

Бу айёмларда ўлкадаги барча фирка ва ҳаракатларнинг номзодлари рўйхатлари, сайловолди дастуриламаллари эълон этилади. Аксинча, рус ёхуд бошқа оврупавий фиркаларнинг ҳеч бири на маҳаллий халқ муаммолари, на миллий масала ҳусусида ўз ҳужжатларида гап юритмайди. Бу жихатдан Туркистон ўлкасининг ижрокўмлари курултойида воқеъ бўлган бир мубоҳаса диққатга моликдир. Унда Геодаков исмли киши, «Туркестанский курьер»нинг (14 апрель, 1917 йил) хабар беришича, «халқчил Русия жумҳуриятини қўллаб, маданий халқларга мухторият, қолганларга эса (самоед, қирғиз, сортларга) «маданиятга эга бўлишлари сайин мухторият берилишини» таклиф қилади. Бунга жавобан ўлканинг буюқ сиёсий ва маданий арбоби муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий «қизгин норозилик билдириб, сортлар минг йиллик маданиятга эга (инглиз, француз тилларига таржима қилинган «Хидоя» китоби, Улугбек расадхонаси ва хоказо), шундай экан, сортларни тўнгузлар билан чоғиштирмоқ, инсофданми? Ерлик дехқонлар рус дехқонларидан қолишмайди, гарбий вилоятлардан қочган қелгиндилардан эса устун. Туркистон фуқаросининг маданий қолоқлигида фуқаро эмас, ўлкани тиш-тирноқ билан жаҳолатда ушлаган эски мустамлақа тузуми айбдордир!», дейди...

1917 йилнинг ёзида бўлиб ўтган сайловлар қутилмаган натижалар билан якунланди. Масалан, Тошкент шаҳар Думасининг 112 аъзосидан 76 нафари маҳаллий мусулмон халқи вакилларидан сайланди. Самарканд Думасига овоз бериш натижалари эса қуйидагича: 55 ўрин мусулмонлар ва фиркасизлар бирлигига, 4 ўрин мусулмон меҳнатқашлари фиркасига, 10 ўрин социал-инқилобчилар (эсерлар)га, 2 ўрин РСДРПга, 4 ўрин яҳудийларга тегади. («Свободный Самарканд», 12 сен-тябрь 1917 йил). Андижон думасига ҳам аксарият мусулмон вакиллари сайланиб, жумладан, Шўрои ислом 77, Хуррият ва Маърифат 3, Иттифок 4, яҳудийлар 2, сооциалистлар 11 ўринга эга бўладилар.

Шундай қилиб, Русия томонидан Туркистон забот этилгандан бери, шаҳар ва ерли идораларга бўлган сайловларда маҳаллий мусулмон халқи илк бор галабага эришади. Бу галаба, сентябрга қелиб, ўлкада бирварақийига ўч сиёсий қучнинг ҳукмронликка даъвогарлигини юзага қикаради. Булардан бири Муваққат ҳукуматнинг ўлкадаги маъмурияти, иккинчиси қурулди қучга эга бўлган ишчи ва аскарлар Шўроси, ўчинчиси маҳаллий идораларда ҳокимиятни қўлга олган умуммусулмон халқчил ҳаракати.

Тарихимизнинг «мўътабар академик ёзуқларида», кейинги қучга мансуб бўлган «Шўрои ислом» ва ёки «Уламо» фиркаларидан «ёвуз»роқ қуч топиш қийиндир, дейилади. Аммо машҳур ўлкашунос ва арбоб Нил Ликошин, «Туркестанское слово» рўзномасининг ўша йилги 2 сентябрь сонида, эски шаҳарнинг «Уламо» мажлисларида қатнашганини таърифлаб, шундай ёзади: «Мусулмонларнинг айтишича: «Биз ўлкада қўпчиликмиз, шу боисдан Думада аксарият биз томонда бўлганлиги табиий бир ҳол. Демак, ақаллият ҳуқуқларини таъминласак қифоя. Шу сабаб, шаҳар бошлиқи лавозимига «Уламо» ўз номзодларини қўрсатмақни ўзига муносиб топмади, унга ноиб танлаш билан чекланди». Бу қарор, Ликошиннинг таъбирича, аксариятни ташкил этган мусулмонлар ўчун нафакат адолатли, балки илтифотли ҳам бўлиб қўринган.

Афсуски, бу янглиг илтифот ва мурувват барча сиёсий кучларга хос бўлган, дейиш кийин. Мисол учун, «Туркестанский курьер» рўзномаси сентябрь оyi бошида харбий йўл билан хокимиятни ўз қўлига олган Туркистон ишчи ва аскарлар Шўроси хакида гап юритар экан: «Бу шўро кенг халк оммаларига таянган асл халкчил кучмoy?», деган саволга: «Йўк, зинхор!», деб жавоб беради. Чунки, унинг таркибида махаллий халк вакиллари йўк. «Шундай экан, Оврупавий Русиядан фаркли ўларок, бу ерда шуни катъиян эътироф этиш мумкинки, рус инкилобий демократиясининг Шўролари Туркистонда курулли куч ёрдамида ўрнашган келгинди рус акаллияти озчилиги иродасининг ифодасидир. Аввал рус тўплари ижро этган рул энди зикр этилмиш Шўролар зиммасига юкланди. Аммо янги рус империализми йўлбошчиларининг ихтиёридаги куч ва маданий имкониятлар аввалгидан беҳад зиёддир». («Туркестанский курьер», 1917 йил, 5 сентябрь).

1917 йил сентябрининг охирида, хокимият шўроларга ўтиши муносабати билан, Туркистон мусулмонларининг III ўлка курултойи йигилади. Унинг карорларида, жумладан, шундай дейилади: «Туркистон ўлкасининг 98 фоиз нуфусини ташкил этгувчи 10 миллион мусулмон Рус инкилоби эълон килган Хуррият, Тенглик, Биродарлик асосларида миллий маданий мухторият ҳуқукига мутлак равишда эга; Махаллий хокимият биринчи навбатда, мусулмон вакилларида хамда маълум микдорда ўзга сиёсий ташкилотлар вакилларида ташкил топиб, таъсис этилуви лозим. Хокимиятнинг тасодифий ва ерли аҳоли манфаатларига ёт бўлган кичик гуруҳлардан тузилган ишчи, аскар ва дехкон ташкилотларининг қўлида жамлануви халкчиллик асосларига зиддир ва махаллий мусулмон халкига одил ҳаёт тузумини таъминлаб беруви амри маҳолдир».

Курултой, ҳулоса сифатида, куйидаги карорларни қабул килади:

1) Тошкент шахрида ўлка фукаросини бошқарувчи 12 кишидан иборат Туркистон ўлка кўмитасини таъсис этув; булардан 3 нафари ишчи, аскар ва дехкон шўролари курултойидан, 3 нафари шахар ва ижрокўм идораларида, 6 нафари мусулмон курултойидан. Мазкур кўмита зиммасига, то таъсис мажлиси (Учр. Собрание) Туркистонда Махсус идора йўлини ўрнатгунча, Русия жумҳуриятининг Муваккат Ҳукуматиға кенг ваколатға эга Кўмита рўйхатини тасдиқ учун йўллаш ва хокимиятни қўлга олиш юкланади.

2). Тошкентда 24 кишидан иборат Туркистон ўлка кенгашини таъсис этув; бунга 5 аъзо ишчи, аскар ва дехконлар курултойидан, 5 аъзо ўлка мусулмон курултойидан киритилсин. («Туркестанский вестник», 25 ноябрь, 1917 йил). Ликошин айтмиш илтифот бу карорда хам захирдир. Аммо хокимият бу орада қўлдан қўлга ўтиб, навбат Муваккат ҳукумат юборган генерал Коровиченкоға теғади. Ўзаро муросани аниқлаш билан овора оврупавий кучларнинг кулогига махаллий халкларнинг овозию талаблари чалинмайди. Шунга карамай, махаллий халк Таъсис мажлисига тайёргарликни кучайтириб, унга юбориладиган номзодларни кўрсата бошлайди. Номзодлар рўйхатиға самаркандлик Махмудхўжа Бехбудий, хўжандлик Камол Хусайн, тошкентлик Мустафо Чўкаев, Убайдулла Хўжаев хам киритилади.

25 октябрь куни Петроградда большевиклар хокимиятни қўлга оладилар. Бу воқеа ўлканинг рус рўзномаларида алланечук тасодиф, нохуш ходиса, хаттоки, Ватан ва

жамият рлдидаги жиноят кабилида тахлил этилади. Мана шу муносабат билан ўша давр рўзномаларида эълон килинган макола-хабарлардан айримларининг сарлавхалари: «Большевиклар факат Смольнийда колдилар». «Хотиржам бўлингиз!». «Ватан олдида жиноят» ва хоказо. «Свободный Самарканд» рўзномаси эса РСДРПнинг Самарканд ташкилоти «25 октябрда Петроградда вокеъ ўлгон фитнани коралаб чикди», деган хабар босади.

Кўриниб турибдики, рус рўзномалари Октябрь инкилобига бўлган салбий муносабатларини ошкора намоиш этишади. Максим Горькийнинг «Новая жизнь» да эълон килинган, «Мамлакат Таъсис мажлиси сари кетаётган бир пайтда, рўй берган исёнга» шафкатсиз баҳо берувчи «Демократияга» деб аталган мурожаатини аксар рўзномалар қайта босиб чиқариши бунга яққол далил бўла олади. Мана, ўша мурожаат: «Ленин, Троцкий ва уларнинг йўлдошлари ҳокимиятнинг чуруқ заккуми ила захарланиб бўлдилар. Уларнинг сўз эркинлиги, демократия эришган шахс ҳуқуқларига бўлган шармисор муносабати бунга шаходатдир.

Сўқир мутаассиб ва васвасага учраган жахонгашталар олди-кетини билмай, гўёки, «социал инкилоб» томон елмоқдалар, аслида эса бу йўл — ўзбошимчалик йўли, инкилобнинг ва йўқсилларнинг ўлим йўлидир.

Мазкур йўлда Ленин ва сафдошлари Петербург атрофидаги хунрезлик, Москвани емириш, сўз эркинлитини пучга чиқариш, бемаъни хибсга олувлар сингари, ўз вақтида Плеве ва Столипин қўллаган кабиҳлик ҳам жиноятларга кодирлигини намоён қилдилар... («Туркестанские ведомости», 16 ноябрь, 1917 йил).

1917 йил ноябрининг бошида Тошкентда ҳам, бир неча кунлик жанглардан сўнг, ҳокимият ишчи, аскар ва дехкон Шўролари кўлига ўтади. Подпалов раислигида тузилган янги Туркистон ўлка ижрокўми таркибида бирорта ерли халқ вакили бўлмади. Ноябрьнинг ўртасида йигилган шахар идораларининг курултойида мусулмон депутатларнинг шуни назарда тутиб айтган сўзлари диққатга сазовордир:

«Миразимов (Тошкент): Мен Тошкент воқеалари хусусида сўз юритмайман. Ишчи ва аскарлар Шўроси ўз доирасидан ерли халқнинг аксарияти— мусулмонларни чиқариб ташлади. Эндиликда акаллий бир гуруҳ ҳаммамизга ўз шартларини қўймоқчи. Аслида, аҳолининг таркибига мутаносиб бўлган марказий ҳокимият тузиш лозим. Ҳозирги ҳокимият эса фуқаронинг манфаатларига зид.

Махмудов (Хўканд): Гарчи большевиклар мамлакат манфаатини кўзлар экан, нечун улар Таъсис мажлисининг чакирилишига тўскинлик қилишаётир! Биз, мусулмонлар, Рус инкилоби бизларга хуррият ва тинч ҳаёт келтирадур, деб қувонган эдик. Фиркавий бахслар кетида, сизлар Ватанни ва ўлкамизни баробар нобуд қилаётирсизлар!» («Туркестанские ведомости», 16 ноябрь, 1917 йил.)

22 ноябрда ўз ишини тугатган аскар ва дехконлар Шўросининг III курултойи ўлкада янги ҳокимият — Туркистон ўлкасининг Халқ Комиссарлари Советини-Туркистон комиссари, деб танилган бу ҳукумат таркибида ҳам маҳаллий халқ вакилари бўлмади. Шу ўринда,

мазкур ходисага жавобан, 26 ноябрь куни Хўканд шахрида чакирилган ўлка мусулмонларининг фавкулудда IV курултойига эътиборимизни қаратайлик. «Туркестанский вестник»нинг 9 декабрь сониди Курултойнинг сонияномасида келтирилган: «26 ноябрь соат 12 да ташкилий хайъат аъзоси Мустафо Чўкаев курултойни очик деб эълон қилади. Сўнг шаходат хайъатининг аъзоси Норбўтабеков курултойга йигилганлар таркиби билан таништиради. (Фаргонадан—150 киши, Сирдарёдан — 22, Самарканддан —21, Бухородан — 4, Закаспийдан — 1 киши). Бундан ташқари, мусулмонлардан тоғ ишчилари, аскарлар, қасаба уюшмаси аъзоларининг вакиллари иштирок этмақдалар. Сўзни Чанишев олиб, мазкур йигин мавқеи ҳақида гап юритади. «Курултойми, ё кенгашми?», деб сўрайди у. Ваҳоланки, курултойда Ёттисув вакиллари йўқдур. Убайдулла Хўжаев курултой мавқеи берилувининг тарафдори эканлигини билдиради. М. Бехбудий уни қувватлаб, ўлканинг Оврупа аҳолиси ҳам курултойда қатнашаётурғонини уқтиради. У раёсат хайъатини оврупавий вакилларни қўзда тутгон ҳолда тузувни таклиф этади. Махмудов (Хўканд) курултой раёсатини сайлаш таклифини киритади. Чўкаев курултой ёхуд қангаш масаласини овозга қўяди. Курултой деб билув қабул қилинади. Сўнг раёсат хайъатига 13 нафар қуйидаги зотлар сайланади: М. Чўкаев, У. Хўжаев, Юргулиюгаев, Герцфельд, О. Махмудов ва бошқалар. Мустафо Чўкаев раёсат хайъатига таникли мусулмон арбоби Чўкаев раёсат хайъатига таникли мусулмон арбоби Бехбудийни киритишни таклиф қилади. Йигилганлар ушбу таклифни олқишлар билан қаршилайди.

М. Чўкаев Русия ва Туркистоннинг сиёсий ҳам иқтисодий аҳоли хусусида қисқача маълумот беради. Марказда юз бераётургон воқеалар, чекка ўлкалар ўзларини ва шу билан бирга, Буюк миллий инқилобни қутқарув йўлларини мустақил муҳофаза этувини тақозо қилув. Уктабр хунрезлигини бошидан кечиргон Русия ва Туркистон ўз тақдирлари ҳақида мулоҳаза юритмақлари лозим. Эндиги оғир аҳвол озук-овқат танглиги туфайли янада мушкуллашиб, очарчиликка ўтай деб тураётир. Бу қиғалликдан чиқув йўллари борми? Нотик ўлкада ҳукм сураётургон Шўролар ҳукуматининг йўли бегуноҳ қурбонларнинг қонига буланган, деб таъкидлайди. Чунки, мазкур ҳокимият хунрезликнинг олдини ола биладиган мусулмонларсиз ўрнатилган. Ҳамкорлик ҳақидаги таклифларимиз исёндан сўнг ҳам улар томонидан рад этилди.

Бинобарин, Туркистон нонсиз ва асл халқчил ҳокимиятсиз қолди. Бунда мусулмонлар ҳуқуқини комиссарлар мутлақ инқор этмақдалар. Нотик Жанубий — Шарқий Иттифокнинг (Мазкур иттифок 1917 йил 20 октябрь битимига биноан, қазак аскарлари, Кавказнинг тоғли халқлари ва қўлларнинг эркин миллатларидан ташкил топиб, Русияни халқчил, федератив жумҳуриятга айлантирмақ мақсадида тузилади («Свободный Самарканд», 6 декабрь 1917 йил) Туркистон ушбу иттифокка қотишуви ҳақидаги таклифини ўқиб эшиттиради. Сўнг ўлка халқига мурожаатини келтириб, Ўринбурқ Туркистоннинг пахтасига айирбош нон берувини эътироф этади. Иттифок битими билан курултой қатнашчиларини таништиради. М. Бехбудий комиссияда сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан муҳофаза қилинув дарқорлигини таъкидлаб, 12 киши 2 кундан сўнг ўз ҳулосаларини курултой эътиборига чиқарувларини таклиф қилади. Герцфельд: Масала равшан. Зудлик билан ҳал этмақ лозим. Чўкаев мунозарасиз комиссияга узатувни овозга қўяди». («Туркестанский вестник» 9 декабрь 1917 йил).

Сонияномани шу ерда тўхтатайлик-да, 1917 йил 27 ноябрь куни кеч соат 18 да курултой кабул килган асосий хужжатни келтирайлик:

«Туркистон мусулмонларининг IV Ҳаққулодда курултойи.

Туркистон ўлкасида бўлгон халқларнинг хоҳишлари бўйича, Буюк Русия инқилоби тарафидан берилган асосларга биноан, федерация асосига бино қилингон Русия жумҳурияти ила бирликда қолган ҳолда, Туркистонни ерлик мухториятли (яъни территориялни автономиялик) эълон қиладур.

Мухториятнинг тез суръатда вужудга қуйилуши яқин орада очиладургон Умум Туркистон халқининг Учр. Собраниеси (Мажлиси Муассанига) топширадур. Шунинг ила баробар Туркистон ўлкасида ақаллият ташкил қилгон миллатларнинг ҳуқуқларининг ҳар жихатда сақланажагини ҳам тантанали суратда билдирадир» («Хуррият», 5 декабрь, 1917 йил).

27 ноябрь куни курултой Жанубий — Шарқий Иттифок ила қотишув ҳақида қарор қабул қилади. 28 ноябрда эса Туркистон миллат мажлиси очилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланади. Туркистон миллат мажлиси 54 нафар аъзодан иборат бўлиб, курултой қарорига биноан, «36 нафари мусулмонлар ва 18 нафари ғайримусулмонлардан сайланадур. 36 мусулмон вакиллари Туркистоннинг 5 вилоятидан бўлиб: Фарғона — 10 нафар, Самарқанд — 5 нафар, Сирдарё — 9 нафар, Ёттисув — 6 нафар, Закаспий — 2 нафар, 4 нафар эса бутун Туркистон шаҳар думалари тарафидан тайин бўлурлар». 18 ўрин ўлканинг оврупавий ташкилот ва фирқалари, жумладан, темирўлчилар иттифоқи, жумладан, ишчи, аскар ва дехқонлар Шўроси, социал-демократлар, дашнақцутюн, ерли яҳудийлар ва бошқаларга берилиши қўзда тутилган.

Ўша давр рўзномаларида Туркистон тарихида илк бор ташкил топган халқчил ҳокимият — миллат мажлисига аъзоликка сайланган зотларнинг исм-шарифлари сақланиб қолган. Биз бу рўйхатни келтирмоққа бурчлимиз. Фарғона вилоятидан: И. Шоҳмедов, О. Қўшбеғиев, Камолхонтўра, Х. Юргулиюгаев, О. Маҳмудов, Ашурхўжа, Д. Қорабеков, А. Уразаев, М. Мирзааҳмедов. Сирдарёдан: М. Чўкаев, С. Лапин, С. Бойсаидов, Т. Норбўтабеков, С. Миржалилов, И. Губайдуллин, С. Шарифхўжаев, К. Хожинов. Самарқанддан: А. Абдусалимов, С. Герцфельд, А. Дербисолин, М. Окчурин, Мансуров. Ёттисувдан: М. Тишинбоев, И. Давлетшин. Каспийбўйидан: Л. Ширинский, Г. Мусабоев, О. Шоқирхонтўраев, К. Шамонбердиев, А. Умаров, С. Юсупов. Шаҳар думаларидан: М. Беҳбудий ва бошқалар.

Муваққат миллат мажлиси 12 аъзодан иборат Туркистон Муваққат ҳукуматини тайинлайди:

Раис-нозир ва ички ишлар нозири — Муҳаммаджон Тинишбоев (2 Давлат Думасининг аъзоси, Туркистон темирўл инженерлари қўмитасининг аъзоси).

Раис муовини — Ислон Султон Шоҳмедов (присяжный поверенный, Умумрусия мусулмон кенгашининг аъзоси).

Ташки ишлар вазири — Мустафо Чўкаев (адвокат), Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси аъзоси, ўлка мусулмон кенгашининг раиси).

Халк милицияси ва хавфсизлик вазири — Убайдулла Хўжаев (адвокат, Умумрусия мусулмон кенгаши МКнинг аъзоси)..

Ер ва сув ишлари вазири — Хидоятбек Юргули-огаев (агроном, олим).

Озик-овкат ишлари вазири — Обиджон Махмудов (Хўканд шаҳар думасининг раис муовини).

Ички ишлар вазирининг муовини—Абдурахмонбек Уразаев (присяжный поверенный ёрдамчиси).

Молия вазири — Соломон Герцфельд (присяжный поверенный) ва бошқалар.

(«Туркестанский вестник», 5 декабрь 1917 йил).

29 ноябрь куни курултой Муваккат миллат мажлиси ва Муваккат ҳукумат аъзоларининг дахлсизлиги ва муҳофазаси ҳақида қарор қабул қилади. Унда, жумладан: «Булардан ҳар бирига қарши зўравонлик — бутун 10 миллионлик Туркистон халқига қарши таҳқир, деб билинадир», дейилган. Сўнг курултой болшевиклар томонидан уюштирилган Тошкент воқеалари (ҳибсга олувлар, тинтувлар ва бошқалар)ни қоралаб, зудлик билан маҳбусларга озодлик беришни талаб қилди.

Курултой сўнггида қатнашчилар бутун Туркистон фуқароси бўлмиш мусулмон, рус, яҳудий, ишчи, аскар, деҳқон, барча уругу элат, ташкилоту муассаса, ҳаракату фиркаларга мурожаат этиб, яқдиллик ва ҳамжихатликка даъват этдилар.

«Занжирлардан бўшалгон Туркистон ўз ерининг ҳоқими ва ўз тарихининг яратувчисига айланатургон пайт келди!», деб хитоб этади курултой («Свободный Самарканд», 6 декабрь, 1917 йил).

Мислсиз севинч ва кўтаринкилик руҳи ўлкани қамрайди. 30 ноябрь соат учда Хўканд шаҳрида мусулмонларнинг улуғ намоиши бошланди. Унда инқилоб сакланажаги ҳақида қасам ичилади. Тошкент шахрининг Жомеъ масжидида кўпнинг кишилиқ намоиш бўлиб ўтди. «Нотиклар ҳаяжон ва кўзларида ёш ила мазлум ҳаёт битиб, янги, ҳурриятга тўла ҳаёт бошланиши ҳақида сўзлайдилар» («Туркестанский вестник» 8 декабрь, 1917 йил). Туркистон мухториятини Бунд, Гуржилар жамияти, Савдо-саноат уюшмаси, яҳудийларнинг Тошкент жамияти, Савдо-саноат уюшмаси, яҳудийларнинг Тошкент жамияти ва бошқалар қизгин қутлайдилар. Рус рўзномалари ҳам курултой қарорларини самимий баҳолаб, вазиятни ҳаққоний таҳлил қилишади. Мана, С. Никифоровнинг «Свободный Самарканд»нинг 7 декабрь сонида эълон қилинган мақоласидан бир парча: «Давримиз учун муҳим бўлган курултой қарорлари ушбу миллий чекка ўлканинг ҳаётида янги саҳифа очилишини аңлатадир. Биз — ўлка истилочилари, фақат истилочилик ҳуқуқига биноан ягона маданият тарғиботчилари эканлигимиз, халқ оммалари эса — мағлублар сифатида, биз қолиблар учун тажрибадан ўзга нарса эмас эканлиги ҳақидаги шовинистик ва том маънода гайритараккий мулоҳазани улоқтириб ташлашимиз вақти келди!».

Давр тақозосига кўра, айти шу қунларда рўзномалар Халқ Комиссарлари Кенгашининг «Русия ва шарқнинг барча меҳнатқаш мусулмонларига» Хитобномасини чоп этадилар. Хитобноманинг айрим лавҳалари қуйидагича:

«... Бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштираберингиз. Сизларнинг бунга ҳақингиз бор.

... Сизлар ўзларингиз ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз лозим. Ўз расм-русумингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳақингиз

бор, чунки сизларнинг такдирингиз — ўзингизнинг қўлларингизда...

Миллий ишлар бўйича халк комиссари

И. Жугашвили — Сталин.

СНК раиси

В. Ульянов — Ленин».

(«Туркестанские ведомости», 1917 йил 1 декабрь).

Бирок худди шу кезларда Тошкентда, Комиссарлар раиси Ф. Колесов буйругига биноан, шахар Думаси таркатиб юборилади, тинтув ва талон-торожлар бошланади («Туркестанский вестник», 6, 8 декабрь 1917 йил). 6 декабрь куни Тошкентда бўлган кўпнинг кишилик йигилишда Туркистон мухториятининг Муваккат ҳукуматни қўллаш ҳақида қарор ҳамда тубандаги арзнома қабул қилинади: «Комиссар Колесовнинг шахар Думасининг таркатув ҳақида буйругини тинглаб, йигилиш бир овоздан мазкур гайриқонуний буйрукка қарши қизгин эътироз билдирадур. Модомики, шахар Думаси умумий, тенг, бевосита ва махфий овоз бериш йўли билан сайлангон бўлуб, Тошкент шаҳринда яққо-ягона халқчил, демократик ташкилот ҳамда 300 мингли шахар нуфусининг хоши-иродасини асл ифода эта билувчи; муассасадур. Дума аъзоларига ўз ишларини давом этиб, уларни сайлаган халқ ҳимояси ва муҳофазаси остига ўзларини топширув белгиланадур». («Туркестанский вестник» 8 декабрь 1917 йил).

Тошкент шахар Думасининг сўнги йигилишида мусулмон депутати Ибн Ямин Ёнбоев шундай дейди: «Ҳозирги ҳокимият (Ф. Колесов ва бошқалар) тан олинган демократиялиги дарғумон. Ушбу ҳокимият мусулмонлар номидан гапириши эса — кип-қизил ёлгон... Мазкур ҳокимиятнинг асл қучи — тўп ва пулемётлардир, лекин биз, мусулмонлар бу қучдан қўрқмаймиз. Бизда ўзга қуч мавжудким — ул қуч руҳимиздир, Тарих ушбу сохта Ҳокимиятнинг амалини қоралайдиган вақт албатта келажак! (Олқишлар!)» («Туркестанский вестник» 9 декабрь, 1917 йил).

Эҳтимол, Ибн Ямин Ёнбоев бу сўзларни айтаётиб, сизу биз яшашга муяссар бўлган ҳозирги дориломон қўнларни олдиндан қўра билгандир. Эҳтимол, худди шу боис ҳақиқат бир қўнмас-бир барибир юзага чиқишини башорат қилгандир. Лекин бу қўнларга етишиш биз учун осон бўлмади. Ўтган етмиш йилдан ортиқроқ вақт ичида биз ниҳоятда машаққатли йўлни босиб ўтдик. Катагонлар ва нотўғри мафкуравий сиёсат туфайли ўзимизни, ўзлигимизни унутдик. Тарихимиз ва маданиятимизни сохталаштирдик. Қанчадан-қанча инсонларни бадном этиб, қўрбон бердик. Бундай ҳатоларга коллективлаштириш даврида ҳам, «босмачилик йиллари» деб аталмиш замонда ҳам, катагонлар даврида в ундан кейин ҳам бот-бот йўл қўйдик. Охир-оқибат, ўлкамиз тарихи, миллатимиз ўтмиши қиғал муаммолар билан тўлиб-тошди. Турган гапки, ўлкамиз тарихининг А. И. Солженицин таъбири билан айтганда, асосий «туғун»ларидан бири айнан 1917 йил воқеаларига бориб боғланади. Афсуски, биз ҳалигача ушбу туғунни ечишнинг уйдасидан чиқа олганимиз йўқ. Лекин, ишончимиз қомилки, ҳали вақти-соати келиб, Туркистон мухториятининг мухтасар фаолияти ҳамда тарихимизда дастлабки халқчил, коалицион ҳокимиятнинг емирилиши ҳусусида жиддий тадқиқотлар олиб борилади, бу ҳусусда мақолалар ёзилади, асарлар яратилади. Эҳтимолки, вақти келиб, бу ҳокимият эълон қилинган қўн ўлкамиз тарихига мўътабар сана сифатида қиритилар ва уни тантанали нишонлайдиган бўлармиз. Ана шунда Ҳамзанинг бояғи шеъри ҳам гализ, мужмал ва уятчан изохлар пардасига бурканмайди, аксинча, қадим ўлканинг нақирон шоири битган мадҳия сифатида баралла янграйди.

Чоризм зулмини ағдарган Русиянинг буюк Февраль инкилобини Сталин — Брежнев тоталитаризмини кулатиш нияти билан бошланган қайта қуришга қийинлаш мумкин. Чунки халқчиликка интилиш, умумбашарий кадриятларнинг тор синфий кадриятлар олдидаги устунлигини тиклаш, миллий уйғониш, фирка ва ҳаракатларнинг гурқираб ўсиши, том маънода ҳаққоний сайловларга ўтиш — буларнинг бари иккала даврга ҳос. Маколамизни Шарқ ривоятларидан бошлаган эдик. Энди Гарбга боқиб, К. Маркснинг машҳур мулоҳазасини келтирайлик: «Гегель қаердадир таъкидлайдики, барча буюк умумжаҳон — тарихий воқеалар ва шахслар, дейлик, икки қарра намоён бўлурлар. У: Биринчи бор ғожиа сифатида, иккинчи бор масҳарабозлик суратида, деб қўйишни унутибди». (К. Маркс... «Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брўмери», 3-бет). Шундай экан, ишонч ва умидимиз борки, биз яшаётган ҳаёт ғожиалар ва масҳарабозликлардан қутулиб, Ҳақиқат, Хуррият, Халқчиллик том маънода барқарор бўлажак!

Ҳамид ИСМОИЛ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил.